

## «АСАКА» БАНКИНИНГ МУҲИМ ФАКТИ ТЎҒРИСИДА ХАБАР

Хабарнинг тартиб рақами 06 - Эмитентнинг олий бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар

1	<b>ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ</b>	
	Тўлиқ:	<b>Акциядорлик-тижорат «Асака» банки</b>
	Қисқартирилган:	<b>«Асака» банки</b>
	Биржа тикерининг номи:	<b>ASBU</b>

2	<b>КОНТАКТ МАЪЛУМОТЛАР</b>	
	Жойлашган манзили:	<b>Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67-уй.</b>
	Почта адреси:	<b>100015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67-уй.</b>
	Электрон почта адреси: *	<a href="mailto:www.cenbum@asakabank.uz">www.cenbum@asakabank.uz</a>
	Расмий веб-сайт:*	<a href="http://www.asakabank.uz">www.asakabank.uz</a>

3	<b>МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ</b>	
	Муҳим фактнинг тартиб рақами:	<b>06</b>
	Муҳим фактнинг номи:	<b>Эмитентнинг олий бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар</b>
	Умумий йиғилиш тури:	<b>йиллик</b>
	Умумий йиғилиш ўтказилган санаси:	<b>2018 йил 19 июнь</b>
	Умумий йиғилиш байонномасининг тузилган санами:	<b>2018 йил 29 июнь</b>
	Умумий йиғилиш ўтказилган жойи:	<b>Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй</b>
	Умумий йиғилиш кворуми:	<b>97,2%</b>

N	Овозга қўйилган масалалар	Овоз бериш натижалари					
		рози		қарши		бетараф	
		%	сон	%	сон	%	сон
1.	Банк кенгашининг банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи	100	14 677 144 976		0		0
2.	Бошқарув Раисининг «Асака» банкининг 2017 йил учун молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.	100	14 677 144 976		0		0
3.	Банкнинг 2017 йилдаги фаолияти якунлари бўйича Тафтиш комиссияси ҳисоботи.	100	14 677 144 976		0		0
4.	2017 йил учун ташқи аудиторлик текшируви	100	14 677 144 976		0		0

	натижалари бўйича «Асака» Банки Ички аудит Хизмати ҳисоботи.						
5.	«Асака» Банкининг 2017 йил учун йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш	99,65	14 626 699 922		0	0,35	50 445 054
6.	«Асака» Банкининг 2018 йил бўйича фойдасини тақсимлаш	100	14 677 144 976		0		0
7.	«Асака» банки ривожланишининг стратегик режасини тасдиқлаш	100	14 677 144 976		0		0
8.	«Асака» Банкининг кенгаши аъзоларини сайлаш.	Коммулятив овоз бериш					
9.	«Асака» Банкининг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.						
	Сабиров Нозимжон Мадаминович -	4,92	721 618 024		x		x
	Камбаров Мухаммаджон Аскарлович -	4,61	676 741 450		x		x
	Худойбердиев Олимжон Абдуллаевич -	40,22	5 903 420 82 5		x		x
	Дарвишев Нурбек Мурадович -	41,09	6 030 734 47 8		x		x
	Саматов Акмал Саматович -	5,48	804 055 099		x		x
	Акилов Хандамир Нуруллаевич -	3,68	540 575 100		x		x
10	«Асака» Банки Бошқаруви раиси К.К.Муллажанов билан ёллаш шартномасини узайтириш	100	14 677 144 976		0		0
11	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.09.2017 йилдаги №ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва	77,73	11 408 097 742	22,27	3 269 047 234		0

	барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 2-бандини ижроси						
12	«Асака» банкининг қўшимча акцияларини чиқариш ва жойлаштириш йўли билан банк устав капиталини ошириш бўйича қарорларни қабул қилиш ва тасдиқлаш бўйича ваколатларни Банк кенгашига бериш.	100	14 677 144 976		0		0
13	«Асака» Банкнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш	100	14 677 144 976		0		0
14	«Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларида беш йилдан ортиқ муддат ҳисобда турган умидсиз активларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги Банк кенгашининг қарорларини тасдиқлаш.	97,89	14 367 374 615	0,03	4 698 000	2,08	305 072 361
15	Банкнинг аффилиланган шахслар билан битимларни тасдиқлаш	100	14 677 144 976		0		0

### Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифи

1.	Банк кенгашининг 2017 йил учун ҳисоботи тасдиқлансин
2.	<p>1. Бошқарув Раисининг «Асака» банкининг 2017 йил учун молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.</p> <p>2. Банкнинг 2017 йилдаги фаолияти умуман қониқарли деб топилсин.</p> <p>3. Банк бошқаруви 2017 йилга мўлжалланган қуйидаги устивор вазифалар бажарилишини таъминласин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Банкнинг 2017 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажариш бўйича, максимал фойда олинishi ва харажатларни қисқартирилиши, шунингдек, банкнинг даромад келтирувчи активларини кўпайтирилишини таъминлаган ҳолда бажариш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилсин;</li> <li>• банк кредит портфелининг сифатини мунтазам равишда баҳолаш, банкни эҳтимолий йўқотишларини минималлаштириш учун муаммоли кредитларни аниқлаш бўйича тизимли иш</li> </ul>

	<p>олиб борилсин;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мунтазам равишда, белгиланган тартибда, яратилган захираларнинг тузилмаси қайта кўриб чиқилсин ва кредит портфелининг сифатини яхшилаш ҳисобига банкнинг даромадлари ошириб борилсин. Зарурат юзага келганда умидсиз кредитлар пайдо бўлишига йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан интизомий таъсир чоралари кўрилсин;</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тарафидан тижорат банкларига нисбатан белгиланган иқтисодий нормативларга риоя этилиши таъминлансин;</li> <li>• банк филиаллари ишини назоратини қатъийлаштириш йўли билан шаклланган мижозлар рўйхати сақланиб қолинишини ва янги стратегик мижозлар жалб қилинишини, амалдаги харажатлар ва халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда банк хизматлари бўйича ўзгарувчан тария сиёсати шакллантирилишини таъминлаш;</li> <li>• аҳолининг бўш маблағлари жалб қилиниши, омонатчилар олдидаги шартномавий мажбуриятлар ўз вақтида бажарилиши таъминланиши бўйича ишларни фаоллаштириш;</li> <li>• банкнинг жами (умумий) капитали оширилишини таъминлаш;</li> <li>• кредит қўйилмалар кўпайтирилиши бўйича банк Бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилишини, инвестициявий лойиҳалар ва лизинг операцияларни амалга ошириш бўйича маблағлар ажратилишини таъминлаш;</li> <li>• бажарилган иш тўғрисида, таркибига банк активлари ва пасивларининг турли валюталардаги, нисбий қийматда ва ўтган даврлар билан таққослаган ҳолда кесимининг батафсил таҳлилини, шунингдек, жумладан ббитта ходим ҳисобига самарадорлик кўрсаткичини ичига олган банк фаолияти самарадорлигининг турли кўрсаткичлари таҳлилини ўз таркибига олган банк бошқарувининг ҳисоботини тинглаш учун ҳар чорақда банк Кенгаши чақиртирилишини таъминлаш;</li> <li>• кредитлар ва лизинг бўйича муддати ўтган қарздорликни, жумладан, конкрет саналар ва масъул ижрочиларни белгилаган ҳолда декадалик жадвалларни тузиш йўли билан ундириш бўйича ишни тубдан қайта кўриб чиқиш;</li> <li>• даромад келтирувчи активлар улушини ошириш бўйича, шунингдек, гаровга қўйилган мол-мулкни ҳамда кредитлар ва лизинг бўйича ундирилган мол-мулкни сотиш бўйича самарали ишни таъминлаш борасида кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш;</li> <li>• раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш ва уни мунтазам асосда олиб бориш. Раҳбар лавозимларга номзодларга нисбатан қатъий малакавий талаблар қўйиш.</li> </ul>
3.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Банкнинг 2017 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича Тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.</li> <li>2. Тафтиш комиссияси: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан мунтазам назоратни амалга оширсин;</li> <li>• Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳони, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ҳулосани тақдим этсин.</li> </ul> </li> </ol>
4.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. 2017 йил учун ташқи аудиторлик текшируви натижалари бўйича «Асака» Банки Ички аудит Хизмати тарафидан тақдим этилган ҳисобот маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.</li> <li>2. «Асака» Банкнинг Ички аудит Хизмати (Идиев Н.Ф.): <ul style="list-style-type: none"> <li>• банк ва унинг бўлинмалари ишидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш, шунингдек, Хизмат ҳисоботларини кўриб чиқилиши учун Банк Кенгашига ўз вақтида киритилиши бўйича ишни фаоллаштиради;</li> <li>• банкдаги ички назорат ҳолати, жумладан, молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини, ҳисоб юритилишининг ишончлилиги ва ҳисоботнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва холислигини, Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги ҳужжатлари, таъсис ва ички ҳужжатлар, банк</li> </ul> </li> </ol>

	<p>операцияларини аалга оширишнинг белгиланган тартиб ва таомилларига риоя этилишини текширилиши (аудити) ва мониторингини мунтазам равишда амалга ошириб борсин ва яқунлари бўйича Банк кенгашига фаолиятнинг назорати ва натижалари бўйича тегишли холис таҳлил ва ахборотни ҳамда банк фаолияти самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш бўйича тавсияларни тақдим этсин;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Банк кенгашини ҳар чорақда, Кенгаш томонидан тасдиқланган аудиторлик текширувлари режасининг бажарилиши тўғрисида, конкрет муаммо ва бузилишларни ҳамда кўрсатилган бузилишларга йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан интизомий таъсирнинг реал чораларини кўриш таклифларини ичига олган ички аудит ҳисоботларини тақдим этиш йўли билан хабардор қилиш;</li> <li>• текширув чоғида аниқланган бузилишларни бартараф қилиш чоралари ўз вақтида ва тегишлича ижро этилиши бўйича тафтишдан кейинги назорат ўрнатилсин;</li> <li>• банк филиаллари аудитини олиб боришда кредит портфелининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратилсин ва Банк кенгашининг ҳар бир мажлисига филиаллар тарафидан кредитларнинг асоссиз берилиши ва уларнинг ўз вақтида сундирилмаслиги бўйича конкрет фактлар киритилсин;</li> <li>• «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуннинг 87-моддасига кўра банкнинг аффилиланган шахслари билан кўзда тутилаётган битимларни ёзма хабарнома олинганидан сўнг уч иш куни мобайнида ўрганиб чиқилсин;</li> <li>• умидсиз активларни ундириш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида Банк кенгашини мунтазам равишда хабардор қилиб бориш.</li> </ul>
5.	<p>1. Қуйидагилар тасдиқлансин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• банкнинг 2017 йил учун йиллик ҳисоботи 2-иловага кўра;</li> <li>• 2017 йил учун филиаллар фаолияти ҳам ҳисобга олинган бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи, солиқлар бўйича тўғрилаш эътиборга олинган фойда - 55 565,1 млн сўм.</li> </ul>
6.	<p>1. 2018 йил яқунлари бўйича 55 565 077 029,44 сўм миқдоридаги (солиқлар бўйича тўғрилаш эътиборга олинган ) банк фойдаси қуйидаги тарзда тақсимланиши тасдиқлансин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• 2 910 200 056,08 сўм (5,2%) – умумий мақсадларга мўлжалланган захира фондига йўналтирилсин (Асос: Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (Янги таҳрирда) 06.05.2014 йилдаги №ЎзРҚ-370);</li> <li>• 44 452 061 623,55 сўм (80,0%) – банк акциядорлари реестрида 2018 йилнинг 13 июн ҳолатига қайд этилган банк акциядорларига дивидендларни ҳисоблашга йўналтирилсин;</li> <li>• 8 202 815 349,81 сўм (14,8%) – Банк ходимларини меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ йил яқунлари бўйича ходимларни, банкнинг бошқарув ва назорат органларини мукофотлашга йўналтирилсин (Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган, 30.09.2016 йилдаги 02-сонли баённома).</li> </ul> <p>2. Дивидендларни тўлаш тартиби тасдиқлансин – пул маблағлари билан, ушбу қарор қабул қилинган санадан бошлаб 60 кундан кечиктирмасдан. Акциядорлар хоҳиш-истак билдирган ҳолатда ўзларига ҳисобланган дивидендларни банкнинг кейинги эмиссияси акциялари билан олишлари мумкин. Дивидендлар тўланиши бошланадиган сана – 2018 йилнинг 2 июли, дивидендлар тўланиши яқунланадиган сана – 2018 йилнинг 17 августи.</p> <p>3. Банк инвестицияларини шакллантиришнинг ихтисослаштирилган фондиди тузиш тўғрисидаги масала банк акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилсин.</p>
7.	<p>1. «Асака» банкининг 2018-2021 йиллар учун бўлган даврда ривожланишининг стратегик режаси тасдиқлансин. Банк бошқаруви «Асака» банкининг 2018-2021 йиллар учун бўлган даврда ривожланишининг стратегик режасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари бажарилши учун шахсий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилсин.</p> <p>2. Банк бошқаруви ҳар йили Банк кенгашига Банк ривожланишининг стратегик режаси кўрсаткичларининг ижроси тўғрисида ахборот тақдим этсин.</p>
8.	<p>«Асака» Банкнинг кенгаши қуйидаги таркибда сайлансин:</p>

	Банк кенгаши Раиси - Вафаев Ш.А. Кенгаш аъзолари: Хайдаров А.Я., Турсунов Ё.Э., Хусанов Н.Д., Мухтаров У.Х., Юсупов О.А., Юсупов Р.Ф., Каримов У.Д.
9.	«Асака» Банкнинг Тафтиш комиссияси куйидаги таркибда тасдиқлансин: • Комиссия раиси - Сабиров Нозимжон Мадаминвич; • Комиссия аъзолари - Дарвишев Нурбек Мурадович, Камбаров Мухаммаджон Аскарлович, Худойбердиев Олимжон Абдуллаевич, Саматов Акмал Саматович.
10	Банк кенгаши «Асака» Банки Бошқаруви раиси К.К.Муллажанов билан ёллаш шартномасини бир йилга узайтирсин.
11	1. Валюта маблағларини сотишдан олинган банкнинг 733 871,28 млн сўм миқдоридagi фойдасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.09.2017 йилдаги №ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 2-бандига мувофиқ (банк акциядорлари реестрида 13.06.2018 йил ҳолатига қайд этилган) банк акциядорларининг улушини оширишга йўналтирилсин. 2. Банкнинг валютани сотишдан олинган фойдасини тақсимлаш ҳисобига умумий суммаси 733 871,28 млн сўмлик акцияларнинг қўшимча чиқарилиши амалга оширилсин.
12	«Асака» банкнинг қўшимча акцияларини чиқариш ва жойлаштириш йўли билан банк устав капиталини ошириш бўйича қарорларни қабул қилиш ва тасдиқлаш бўйича ваколатлар Банк кенгашига берилсин.
13	«Асака» Банкнинг янги ташкилий тузилмаси 3-иловага кўра тасдиқлансин.
14	«Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларида беш йилдан ортиқ муддат ҳисобда турган умидсиз активларни ҳисобдан чиқариш, шунингдек, объектнинг баланс қиймати, сотиш нархи ва банк талаблари ўртасидаги салбий фарқни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги Банк кенгашининг қарори тасдиқлансин.
15	Куйидаги аффилиланган шахслар билан келажакда банкнинг асосий ва инвестицион фаолиятини амалга ошириш жараёнида 2018 йил якунлари бўйича акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда амалга оширилиши мумкин бўлган битимлар тасдиқлансин: Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Халқ банки» АТБ, «Ипотека банк» АТИБ, «Агробанк» АТБ, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, «Микрокредитбанк» АТБ, «Туронбанк» АТБ, «Алоқабанк» АТБ, «Ўзгагроэкспортбанк» АТБ, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК, «Ўзшаҳарқурилиш» ИК, «ЎзОманкапитал» МЧЖ, «ЎзбекОман Инвестиция компанияси» МЧЖ, «Ташкент металлургия заводи» МЧЖ, РСЛК «Qurilishmashlizing» АЖ, «Ўзгапросуғурта» СК, «Кафолат» СК, «Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш маркази» ДУК, «Ўзмелиомашлизинг» ДУК, НКЭИС «Ўзбекинвест», «Самарканд автомобил заводи» МЧЖ, «Asaka-Trans-Leasing» МЧЖ, «Ўзавиализинг» МЧЖ, ««Асака» Банкнинг «Дилором» Пансионати» МЧЖ, «Асака укув комплекси» ШХЖ, «Hazorasp Textil» МЧЖ, "Asaka Cotton impex" МЧЖ, «Osiyo Asaka Model» МЧЖ ва «Asaka Capital Invest» МЧЖ.

#### Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш:

Номзодлар ҳақида маълумот					
N	Ф.И.О.	Иш жойи	Уларга тегишли акциялар		Овозлар сони
			سونи	тури	
1.	Вафаев Шухрат Абдушарифович*	- Ўзбекистон Республикаси ривожланиш ва тикланиш фонди – Ижрочи директор	0		31 466 215 15 8

2.	Хайдаров Ахадбек Яхебекович –	Ўзбекистон Республикаси молия вазири биринчи ўринбосари	0		9 862 835 556
3.	Турсунов Ёркин Эргашевич -	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари пенсия Жамғармаси. – Ижрочи директор	0		9 862 835 556
4.	Хусанов Нодир Джумаевич -	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. – Бошқарма бошлиғи	0		9 862 835 556
5.	Мухтаров Улугбек Хақимович -	Ўзбекистон Республикаси ривожланиш ва тикланиш фонди. – Ижрочи директор ўринбосари	0		31 415 770 10 4
6.	Юсупов Олим Анварович -	Ўзбекистон Республикаси ривожланиш ва тикланиш фонди. – Бошқарма бошлиғи	0		31 415 770 10 4
7.	Юсупов Рустам Фархадович -	«Ўзавтосаноат» АЖ - Бошқарув раиси ўринбосари	0		4 920 869 754
8.	Каримов Уктамжон Дехқонбоевич -	«Алмалыкский ГМК» АЖ - Бошқарув раиси ўринбосари	0		3 287 172 996